



Food and Agriculture
Organization of the
United Nations



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ ОМИЛЛАР

II-ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ДАСТУРИ

**2020 йил 16-17 октябрь
Самарқанд, Ўзбекистон**

“Food Security: National and Global Drivers”

**International Scientific and Theoretical
Conference**

16-17 October 2020

Samarkand, Uzbekistan

Самарқанд - 2020

Сумми-альфа 0,5-1,0 л/га ҳисобида қўлланилганда биологик самарадорлик андоза вариантга нисбатан (Карбофос, 3,0 л/га) юқорироқ бўлиб 7-кунда бу кўрсаткич мос равишда 87,4-92,5% га тенг етди.

БИ–58 унаби пашшасига қарши 2,5 л/га сарф миқдорида қўлланилганда 7-ҳисоб куни биологик самарадорлик назоратга нисбатан 86,8% ни 14-ҳисоб куни эса самарадорлик 80,1% ни ташкил қилди.

Олинган маълумотларга кўра энг юқори ҳосилдорлик Децис 2,5% к.э (1,0 л/га) вариантда кузатилиб, гектаридан 193,8 ц ҳосил олинди. бу кўрсаткич назорат вариантга нисбатан 32,1% кўпроқдир. Сумми-альфа 5% к.э. 1,0 л/га сарф миқдори қўлланилганда бу кўрсаткичлар 189,2ц/ га ва 29,1% тенг бўлди.

Унаби боғларида унинг ихтисослашган зараркунандаси-унаби пашшасига қарши кимёвий воситалар билан ишлов берилганда энг юқори даромад (57472280 га/сўм) Децис 2,5% к.э. 1,0 л/га сарф миқдори қўлланилганда олинди, рентабеллик даражаси эса 130,4 % ни ташкил қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” //2019 йил 20 мартдаги ги қарори. Тошкент, 2019 й.

2. Карнатовская М.Ю. Биологические особенности роста и развития зизифуса в степной зоне юга Украины: матер. 1 межд. науч. конф. – Киев: НБС им. Н.Н. Гришко, 2013.– С. 258-260.

3. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. Энтомология, кишлок хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент-2014.

4. Хўжаев Ш.Т. ва бошқ. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент, 2004.

БУХОРО АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИДАГИ БАЪЗИ ТАБИИЙ ҲОЛДА ЎСУВЧИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

А.Ҳ. Эшонқулов, Ҳ.Қ. Эсанов
Бухоро давлат университети

Бухоро вилоятининг ёзи қуруқ, жазирама иссиқ, ёғингарчиликка нисбатан буғланиш кўп бўлганлиги туфайли, ўсимликлар шу шароитга мослашган. Бухоро қурғоқчил иқлим шароитида табиий ҳолда баҳорда арпағон, лолақизғалдоқ, қорабош, бойчечак, бинафша, чучмома, читир, исфарак, илок, коврак каби доривор ўсимликлар ўсади. Бу турлар ёзгача вегетациясини тугатади. Шунингдек, қумли чўлларда саксовул, қандим турлари, черкез, қуёнсуяк ва қизилча каби дарахт ва буталар ҳам учрайди. Ҳудуднинг шўрхоқ тупроқларида юлғун, шўра турлари, шўр ажриқ, сарисазан, балиққўз, гипсли майдонларда шувоқ, қора боялич, исириқ ва бошқа турлар учрайди. Амударё бўйи

тўқайзорларида қизилмия, янтоқ, камиш, кўға, кендир, туранғил, тол, жийда каби ўсимликлар ўсади.

Табий доривор ўсимликлар ҳақида инсонлар қадим замонлардан буён даволовчи ва қувват берувчи хусусиятларини билишган ва бу билимларини турли хил хасталикларни даволашда ишлатишган. Масалан, қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой, Ўрта Осиё ва бошқа давлатларда табиблар гиёҳларнинг қандай касалликларга даво бўлиши ҳақида кўпгина рисолалар ёзиб қолдирганлар. Қадимги Тибет тиббиёти бу билан боғлиқ жуда кўплаб афсоналар билан танилган. Улар ичида ҳозирга қадар ўз қимматини йўқотмаган ва амалиётда ишлатиладиган турли хил гиёҳлардан тайёрланадиган доривор таркибларни топиш мумкин. Ҳозирги вақтда республикамызда табиий ҳолда ўсадиган кўплаб ўсимликлардан дори сифатида фойдаланиб келинмоқда. Улардан қайнатма, дамлама, шифобахш чой, ажратма ёки экстракт кўринишида тайёрлаб фойдаланилади [1].

Ер юзиде доривор ўсимликларнинг 10-12 минг тури борлиги аниқланган. 1000 дан ортиқ ўсимлик турининг кимёвий, фармакологик ва дориворлик хоссалари текширилган. Республикамызда 4500 га яқин табиий ҳолда ўсувчи юксак ўсимликлар бўлса, шундан 1154 таси дориворлик хусусиятига эга 110 таси фармакопияга киритилган [2].

Доривор ўсимликларнинг қуритилган пояси, куртаги, илдизи, илдизпояси, туганаги, пиёзи, пўстлоғи, барги, гули, ғунчаси, меваси (уруғи), данаги, шарбати, қиёми, эфир мойи ва бошқа хусусиятларидан дори-дармон тарзида фойдаланилади [3].

2019-2020 йиллар давомида олиб борилган изланишлар давомида Бухоро вилоятининг 9 та туманларида яшовчи маҳаллий аҳоли вакиллари билан учрашиб аҳолининг таомлар тайёрлашда табиий ҳолда ўсадиган ўсимликларидан фойдаланиши тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Бунда асосан қишлоқ оқсоқоллари, ёши кекса уй бекалари, момолар, чўпонлар ва табиблар билан суҳбатлар уюштирилди. Шунингдек илмий маълумотлардан ҳам фойдаланилди. Ушбу изланишлар давомида Бухорода ўсадиган ва маҳаллий аҳоли томонидан озик – овқат учун истемол қилинадиган 25 дан ортиқ доривор ўсимликлар йиғилди.

Бухоро вилоятида олиб борилган ботаник тадқиқотларда доривор ўсимликлар тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлсада, аммо уларнинг этноботаник хусусиятлари баён этилмаган [4; 5; 6]. Этноботаник тадқиқотлар асосида Бухоро вилояти ҳудудида табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар таркибини аниқлаш, турларини ажратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш аҳолини доривор ва озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Шунга кўра, доривор ўсимликларни инвентаризациялаш, конспектини (систематикасини) тузиш, истиқболли турлар захиралари ва йиғиш мумкин бўлган майдонларини аниқлаш, доривор ўсимликларни касаллик гуруҳларига қараб таснифлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Бухоро вилоятида ҳам Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари каби маҳаллий аҳоли вилоятнинг географик жойлашуви ва иқлимига хос бўлган ҳолда айрим

таомларида қадимдан баъзи ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлардан унумли фойдаланиб келган. Масалан; сабзаёт семизўти (*Portulaca oleracea*), оқ шўра (*Chenopodium album*), қизил шўра (*Chenopodium rubrum*), туркистон ровочи ёки туяпроқ (*Rheum turkistanicum*), оддий жағ-жағ ёки ачамбити (*Capsella bursa – pastoris*), осие ялпизи ёки ош ялпиз (*Mentha longifolia*) каби ўсимликлардан маҳаллий аҳоли азалдан салат, чучвара, кўк сомса, тандир сомса ва ҳар хил суюқ таомлар тайёрлашади. Ушбу ўсимликлардан анъанавий таомларни тайёрлаш маҳаллий аҳоли орасида авлоддан авлодга ўтиб келган. Юқорида санаб ўтилган озиқ - овқат учун ишлатиладиган ўсимликлардан биз кўпроқ сабзаёт семизўти - (*Portulaca oleracea*) ҳақидаги маълумотларни ёритмоқчимиз. Сабзаёт семизўти бир йиллик, қизғиш тусли, ётиқ пояга эга бўлиб 10-40 см гача узунликда экинлар орасида, дарё, канал бўйларида, гулзорларда кўпроқ учрайди. Июн, август ойларида гуллайди, гуллари сариқ рангда, сентябрда уруғлари пишиб етилади.

Сабзаёт семизўти – ер устки қисмида глюкоза, галактоза, фруктоза, сахароза, малтоза, рафиноза, каротиноидлардан (лютеин, β-каротин), ёғ кислоталаридан (α-линоленовая), органик кислоталар (асосан оксалат, никотин), флавоноидлар (ликвиритин), бетацианинлар, фенолкарбон кислоталар, стероидлар (ситостерин, кампестерин, стигмастерин), терпеноидлар (глутатион, β-амирин, бутирол, паркеол, 24-метилен, 24-дигидропаркеол), алкалоидлар, сапонинлар, азот сақловчи бирикмалар, норадреналин, (300 мг % гача) витаминлар В₁, С, (2,4 % гача) α-токоферол (Е), РР ва К, шилликсимон ва ёпишқоқ моддалардан иборат. Уруғларида эса ёғ кислоталаридан (олеин, линол, пальмитин)ларни сақлайди.

Шунинг учун ҳам сабзаёт семизўтидан жуда қадимдан ҳам доривор ўсимлик, ҳам озуқа сифатида кенг фойдаланиб келинган. Сабзаёт семизўти - доривор ўсимлик сифатида Гиппократ ва Галенлар яшаган даврдан маълум бўлган. Ўша даврларда ўсимлик уруғлари одам организмини тозалаш хусусиятига эга эканлиги ҳақида айtilган. Шу сабабли доривор маҳсулот сифатида ўсимликнинг асосан барглари ва уруғларидан фойдаланилади.

Шунингдек, сабзаёт семизўтининг организмни тозаловчи восита, табиий антиоксидант сифатида (илонлар ва хашаротлар чақишига қарши восита) ва жинсий қувватсизлик, депрессия, кўзнинг яллиғланиши, диабет, дизентерия, астма, жигар ва буйрак касалликлари, сийдик касалликларида (цистит ва уритрит), гемарой, уйқусизлик, бош оғриғи каби касалликларни даволашда қўлланилади. Бундан ташқари ўсимликдан қондаги қанд ва холестерин миқдорини камайтиришда, қорин дам бўлишини олдини олишда, яраларни тез битишини таъминлашда ва тана ҳароратини туширишда кенг фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Бухоро ҳудудида учрайдиган доривор ўсимликларнинг 9 % и озиқ-овқат учун ишлатилади. Овқатга ишлатиладиган табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар фақатгина мамлакатимизда эмас балки дунёнинг бошқа мамлакатларда Хитой, Россия, Корея, Ҳиндистонда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида кенг фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпов Р.Х.. Доривор ўсимликлар ва улардан фойдаланиш. 3-китоб. Ташкент:-2012.
2. Хожиматов Қ.Х., Йулдошев К.Й., Шоғуломов У М., Хожиматов О.К. Шифобахш гиёҳлар дардларга малҳам (фитотерапия). - Тошкент: Ўзбекистон, - 1995.
3. Усманходжаев А., Баситханова Э.И., Пратов Ў.П., Джаббаров А., Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий энциклопедияси. I том; Ўзбекистон: Янги аср авлоди,- 2018.
4. Эсанов Ҳ.Қ. Бухоро воҳасининг доривор ўсимликлари ва уларнинг тарқалиши. ЎзМУ хабарлари. Тошкент, 2018. №3/2. – Б. 219-226.
5. Эсанов Ҳ.Қ. Бухоро воҳаси флораси. Монография. – Бухоро. Дурдона нашриёти. 2019. -158 б.
6. Эсанов Ҳ.Қ., Файзуллаев Ш.С. Қоровулбозор воҳаси доривор ўсимликлари ва уларнинг систематик таҳлили. Наманган давлат университети илмий журнали. Наманган, 2019. №10. – Б.128-133.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИ ЗАРАРСИЗ УСУЛЛАРИ

М.Юнусов, Ф.Хабибуллаев.
Фарғона давлат университети

Соғлом овқатланиш сирларидан бири – бу экологик тоза, пестицидсиз, кучли заҳарли кимёвий воситаларсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳисобланади. Республикамизнинг ҳар бир хонадониди, фермер хўжаликлариди бир – биридан сифатли, мазали мева полиз ва сабзаёт маҳсулотлари етиштирилмоқда. Афсуски асосан касаллик ва зараркунандаларга қарши турли кимёвий заҳарли пестицидлар билан курашилади. Бундай пестицидларнинг асосий қисми хориждан келтирилади, ниҳоятда кучли заҳар. Шундай кучли заҳарли кимёвий препаратлар сепилган мева ёки сабзаёт маҳсулотлари аввало инсон саломатлигига, қоларверса иссиққонли ҳайвонларга, асалариларга ниҳоятда катта зарар келтиради. Шундай экан, зараркунанда ва касалликларга қарши кам заҳарли ёки биологик препаратлар қўллашнинг янги технологияларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурдир. Шу мақсадда таркибиди инсектицид ва фунгицидлик хусусиятига эга бўлган аччиқ шувоқ ўсимлигини мева, сабзаёт ва , полиз экинлари зараркунандаларига, асосан сўрувчи зараркунандаларга қарши таъсирини кузатиб бордик. Аччиқ шувоқни олма ширасига, шира битига, олма қуртига, помидорда ва қовунда кўк шираларга қарши таъсирини ўрганиш бўйича кенгайтирилган дала тажрибалари олиб борилди. Айниқса, олма кўчатларига тушган кўк шираларга турли концентрацияда тайёрланган димламаларни турлича таъсир этганлиги кузатилди. Аччиқ шувоқ ўсимлигининг 1,0; 2,0 фоизли концентрацияда

Хамраева Д.Т., Саитжанова У.Ш. Перспективы выращивания <i>Ferula tadshikorum</i> в условиях интродукции	420
Хожиматов О. К. Современное состояние <i>Cappris spinosa</i> l. в Узбекистане	421
Худойбердиева С.Н., Авалбаев О.Н., Хайдаров Х.Қ. <i>Ferula</i> l. туркуми турлари уруғининг унувчанлиги	424
Хўжамова Г.Х., Аҳмедов С.И., Умурзоқова У.Э. Зараркунандаларга қарши курашда фитоинсектицидлардан фойдаланиш	427
А.Н. Хужанов, З.З. Қосимов <i>H.maracandicum</i> захиралари ва ва мухофаза қилиш чоралари	429
Х.Хурсанов, Э.Умурзаков Ғўза тунлами микдорини аттрактантлар ёрдамида бошқариш	431
Хусайнова М.А., Нуруллаева Н.С., Хайдаров Х.К. Ядовитие оранжерейные растения Самгу	433
В.К. Шарипова Анатомическое строение черешочка листа некоторых видов рода <i>Ferula</i> L	436
Шерназаров Ш.Ш., Ташпулатов Й.Ш., Дустов Б.С., Қобулова Б.Б. Қорасув сув омбори альгофлорасининг шаклланиши ва уни балиқлар озикланишидаги аҳамияти	438
Э.У. Умурзоқов, А.Р. Рахимов, Л.Б. Халмирзаева Унаби пашшасига қарши кимёвий воситаларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги	440
А.Х. Эшонқулов, Х.Қ. Эсанов Бухоро анъанавий таомларидаги баъзи табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар	442
М. Юнусов, Ф. Хабибуллаев. Зараркунандалардан ҳимоялашни зарарсиз усуллари	445
Nurullayeva N.S., Safarova D.M., Rasulov S.Q., Importance of the genus <i>Lycium</i> l. species	447
O.G'. Xurrtov, B.S. Islomov SHirinmiya o' simligining ba'zi biologik xususiyatlari	448
А.А.Абдуразаков, Ю.Ш. Ғаффоров Ўзбекистонда тарқалган доривор зирк (<i>Berberis</i> spp.) ўсимлик турларининг микобиотаси	450
Хусайнова М.А., Хайдаров Х.К. Полезные свойства барбариса	452
Аҳмедов А.К., Номозова З.Б., Хасанов М.А., Расулова З.А. Морфология цветка некоторых видов рода <i>lagochilus</i>	454
Исматова З. А. Сангзор дарёси альгофлорасининг ҳозирги ҳолати	457
Исматова З. А. Сангзор дарёсида аниқланган кўк-яшил сувўтлари	459
Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Юлдашов Л.Т. Фермер хўжаликларида микроскопик сувўтлардан фойдаланишнинг амалий аҳамияти	461
А. Норқулов, А.Р. Анорбаев, А.М. Худойқулов Тупроқ ости зараркунандаларининг қишлоқ олди популяцияси зичлигини аниқлаш	463
Ғ.К. Норимова, Ҳ.Ш.Ғаффоров Зарафшон миллий табиат боғи юксак ўсимликлари айрим микромицетлари	465
И.У. Мукумов, Ш.Ф.Шакирова, М.Нурмуратова. Род <i>delphinium</i> l. (живокость) во флоре самаркандской области	466
И.У. Мукумов Род <i>egemurus</i> m.bieb. (эремурус) во флоре самаркандской области	468
И.У. Мукумов, Х.Жалов Род <i>glaucium</i> adans. во флоре самаркандской области	470
Д.И. Сотиболдиева Определение характерных диагностических признаков корневища <i>circumalonga</i> в условиях узбекистана	472
И.У. Мукумов, З.А. Расулова Род <i>pulicariagaerth.</i> (блошница) во флоре самаркандской области	475
Вахабова Н.А, Кан С.В Перспективы использования культуры тканей in-vitro вида <i>sarparisspinosa</i> для получения биологически активных веществ	477
И.У. Мукумов, Ф. Баходиров Вегетативное размножение тисс ягодный (<i>taxusbaccatal.</i>) в закрытом грунте	480